

Жим Смилей гаров ўйнашни жуда ёктиради. Ит уриштирса хам, хўroz уриштирса хам дарров гаров баглайди. Деворда иккита күш кўрса хам: «Кайси бири олдин учеб кетади?», деб гаровлашаверади.

Бир куни Жим Смилей курбака тутиб олди ва: «Мен уни кўлга ўргатаман», деди. Курбакасига Даниел Вебстер деб от хам кўиди. У курбакаси билан фахрланар, уни кичкина кутичада саклар, гоҳо кўшни кишлокларга курбака пойгалариға олиб бораради. Даниел Вебстер укувли чикиб колди. Смилей уни узунликка сакрашга ўргатди. Вебстер барча курбакалардан узокка сакрайдиган бўлди. Бирок Жим Смилей жуда содда одам эди. Кунларнинг бирида бир ажнабий кутича ушлаган Смилейни йўлда учратиб:

— Кутичангизда нима бор?—деб сўради.

— Курбака,— деб жавоб килди Смилей. Ажнабий Даниелни кўлига олди, уни айлантириб томоша килди, сўнг охиста сўради:

— Айтинг-чи, у кандай каромат кўрсата олади?

— Хм,— деди Смилей,— ягона каромати шуки, у бу якин-атрофдаги истаган курбакангизни узунликка сакрашда ортда колдиради. Гаровга кирк доллар тикиб айтаманки, у сакраш бўйича чемпион бўлади.

— Мен бир мусофиран,—дея жавоб берди йигит,— кўриб турибсизки, курбакам йўқ. Курбакам бўлганида сиз билан гаров баглашардим.

— Э, бу жуда осон,— деди Смилей хурсанд бўлиб.— Кутичамни ушлаб туринг, хозир мен сизга курбака тутиб келаман.

Ажнабий йигит кутичани олди, чўнтағидан кирк дол-лар чикариб, Смилейнинг доллариға кўшди ва ўтириб кута бошлади. Смилей кўздан йўколгач, Даниелни ку-тичадан олди-да, оғзини сочма ўкка тўлдириб, ерга кўиди. Бу орада Смилей курбака топиб келди.

— Кани,— деди ажнабийга,— курбакангизни Да-ниелнинг олдига кўйинг-чи. Олди оёклари манави чизикда турсин. Ха, балли. Учгача санайман: бир, икки, уч. Олга!

Улар курбакаларнинг оркасига туртишди. Янги тутилган курбака чиройли сакради.

Даниел эса факат елкасини учирив кўиди, холос. Ажнабий йигит пулни олиб жуфтакни ростлади. Смилей хайрон эди: «Нега курбакам сакрамади-а?» У Даниелни бўйнидан ушлаб кўтардию кичкириб юборди:

— Ух, намунча оғир бўлмаса бу?..

Даниелнинг оёгини осмондан килганди, оғзидан бир ховуч сочма ўк тушди. Буни кўриб Смилей хамма гапга тушунди. Курбакани иткитиб, йигитнинг кетидан чопди. Бирок унинг кораси хам кўринмасди.

Ўрок РАВШАНОВ таржимаси